XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАРИДАГИ “КУЛАК”, “МУШТУМЗЎР” ВА “ҚУЛОҚ” ИДЕОЛОГЕМАЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Б.Расулов

Мақолада 30-йиллар шўро воқелигида фаол истеъмолда бўлган “қулоқ” идеологемасининг пайдо бўлиши ҳамда ушбу мафкуралашган атама мазмунига хўжаликлар таснифини зўраки мослаштириш жараёнлари ёритиб берилган.

***Калит сўзлар**: деҳқон хўжалиги, “муштумзўр”, “қулоқ”, идеологема, сиёсий қатағон.*

В статье освещен процесс возникновения идеологемы “кулак” и принудительная подгонка классификации хозяйств согласно этому понятию.

***Ключевые слова**: дехканское хозяйство, “муштумзўр”, “кулак”, идеологема, политические репрессии.*

The article describes the appearance and development of the ‘ideologama’ ‘quloq’ in the 30s of the 20th century during the reign of Soviet system of government as well as the correlation of this term to the classification of farms.

***Key words**:’dehqan’ farms, ‘opressor’ ‘quloq’, ideologema, political repressions.*

Россия империясида “кулак” атамаси кенг қўлланилаётган шароитда Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари қишлоқларида маҳаллий аҳолининг ҳеч бир қатлами “кулак” деб аталмаган. Ўрта Осиё қишлоқларидаги мулкдорлар, йирик ер эгалари, сармоядорлар, бадавлат ва ўзига тўқ хўжаликлар бой хўжалик деб номланган. Фақат Россиядан Туркистон минтақасига кўчириб келтирилган рус мужиклари – европа миллатига мансуб бой мужиклар “кулак” дейилган. Аммо Ўзбекистонда коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун жараёнида “муштумзўр”, “қулоқ” тамғаси остида минглаб деҳқонлар сиёсий қатағон қурбони бўлдилар. Шу боис, “кулак”, “муштумзўр” ва “қулоқ” идеологемаларининг ўзаро трансформациясини илмий-назарий жаҳатдан ўрганиш 1920-1930 йиллардаги ўзбек қишлоқлари фожиасини тўла англашга ёрдам беради.

Сиёсий ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритган большевиклар 1920 йиллардан бошлаб Совет Ўзбекистони учун «қоғоздаги синф» – «муштумзўрлар синфи»нинг конструкциясини яратдилар ва “муштумзўр” сўзи идеологема, яъни мафкуралашган сиёсий терминга айланди. Бу ҳолатни структуравий конструктивизм назариясидан фойдаланган “ҳокимият ижтимоий (сиёсий) маконни қайта тузиш воситасида ижтимоий ҳаётни тартибга солади, балки “назарий синф” (“қоғоздаги синф”) нинг яратувчиси ҳисобланади” [1.1] – деган янги концепция ойдинлаштириши мумкин.

XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистондаги совет ва партия идораларининг ўзбек тилидаги расмий ҳужжатларида ва даврий матбуотда “муштумзўр” идеологемаси кенг қўлланди [2]. Шунингдек, партия ва совет органлари арбобларининг нутқлари, даврий матбуот материаллари [3] воситасида аҳолининг муштумзўр деб эълон қилинган қисмининг қиёфасини яратиш ва унга нисбатан салбий муносабатни шакллантиришни кўзлаган аниқ йўналтирилган сиёсат олиб борилди. Большевиклар нафақат бой деҳқонларга, балки совет ҳокимиятига хайрихоҳ бўлмаганларга нисбатан рус

тилидаги “кулак” идеологемасини тўғридан-тўғри “муштумзўр” деб таржима этишдан муайян мафкуравий мақсадни кўзлаган бўлиб, уларни “меҳнатсиз даромад кўриш учун ўзгалар меҳнатидан фойдаланувчи зўравон” қилиб кўрсатиш орқали иқтисодий таъқиблар, сиёсий қатағонлар учун ғоявий-мафкуравий асос яратдилар.

Архив ҳужжатлари далолат беришича, 1929 йилга қадар Совет Иттифоқида “кулак” хўжаликларини белгилаш бўйича ягона ҳуқуқий ҳужжат бўлмаган. Ҳар бир комиссарлик ва муассасалар ўз идоравий мезонларидан келиб чиқиб қулоқ хўжаликларини белгилаганлар.

1929 йилгача Ўзбекистон ССРдаги хўжалик органлари пай миқдорини, контрактация ва топширадиган маҳсулот нормасига қараб аванс белгилашда, ссуда бериш ва ссуда фоизларини дифференциал (табақалашган) ҳолда аниқлаш бўйича ўзларининг тезкор ишларида солиқ оклади маълумотларидан фойдаланганлар. Унинг сўмда рақамлар билан ифодаланиши оклад варағида қишлоқ хўжалик солиғи билан бирга қайд қилинган.

Хўжалик органлари солиқ оклади белгиларига қараб ижтимоий гуруҳларни турли ҳил схемалар [10.1-2] бўйича тузганлар. Хусусан, Сельхозкооперация қуйидагича схемадан фойдаланган:

1. Батраклар.
2. Қишлоқ хўжалик солиғидан озод қилинган камбағал деҳқонлар.
3. Камқувват ва ўртаҳол хўжаликлар.
4. Қулоқлар.

Бу схемадан ғалла-дон қишлоқ хўжалик кооперацияси ўз аъзоларидан, қишлоқдаги ғаллачилик ширкатлари, трактор колонналари ва МТСлардан аъзолик бадалларини олишда фойдаланган. Узбексельсоюзда эса аҳолига контрактация бўйича аванс тарқатиш ва топшириладиган маҳсулот миқдорини белгилашга асос қилиб олинган.

ЎзССР Наркомзем ва бошқа ташкилотларнинг схемаларида батраклар кўрсатилмаган. Наркомзем тезкор ишларида, асосан, қуйидаги схемадан фойдаланган:

1. Қишлоқ хўжалиги солиғидан озод қилинган хўжаликлар.
2. Норматив бўйича солиқ солинган хўжаликлар.
3. Фоиз қўшимчаси билан солиқ солинган хўжаликлар.
4. Якка тартибда солиқ солинган хўжаликлар [10.2].

Сельхозкооперациядан фарқли равишда Наркомзем ўртаҳолларни норматив бўйича ва фоиз қўшимчаси билан солиқ тўлайдиган хўжаликларга ажратган.

Учинчи турдаги схемадан, яъни деҳқон хўжаликларини камбағал, камқувват, ўртаҳол, тўқ ва қулоқ хўжаликларига ажратиб, Узбексельхозбанк ссуда берган ва ссуда бўйича олинадиган фоизларни белгилаган. Мелиоратив кооперацияси эса ишлаб чиқариш харажатлари ва бадалларни йиғиб олишда фойдаланган. Эътиборли жиҳати Узбексельхозбанк, Сельхозкооперациядан фарқли равишда, камбағал хўжаликлар тушунчасини кенгайтирган. Сельхозкооперацияда фоиз қўшимчаси билан солиққа тортилганлар ўртаҳол ҳисобланса, Узбексельхозбанк уларни қулоқ хўжалиги ҳисоблаган. Мелиорация кооперацияси эса ўртаҳолларни умуман кўрсатмаган.

Ўзбекпахтасоюз ва Ўзбекбирлашувнинг пай бадалларини дифференциал (табақалашган) ҳолда йиғиш мақсадида алоҳида схема қўлланган [10.2]. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларининг ижтимоий гуруҳларга мансублигини аниқлашда ягона ва аниқ ёндашув бўлмаган. Совет хўжалик органларининг тезкор тадбирларида битта қишлоқдаги айнан битта деҳқон хўжалиги бир вақтнинг ўзида икки хил ижтимоий гуруҳга киритилган.

ЎзССР молия халқ комиссарлиги органлари якка тартибда солиққа тортишда хўжаликнинг йиллик умумий даромади миқдорини бош мезон қилиб олган. Умумий даромади 600 сўмдан ортиқ хўжаликлар яққол қулоқ хўжалиги ҳисобланган. ЎзССР ХКСнинг 1929 йил 6 июндаги “Имтиёзлардан фойдаланмайдиган яққол қулоқ хўжаликларнинг аломатларини ўрнатиш ҳақида”ги қарорига асосан “яққол қулоқ хўжаликлар”га:

а) 1929 йилда якка тартибда солиққа тортилган барча хўжаликлар;

б) бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ доимий ишчи ва чорикор ишлатаётган ёки ёлланма ишчисиз икки ва ундан ортиқ чорикорни ушлаб турган хўжаликлар;

в) қишлоқ хўжалик ишларида мунтазам равишда ёлланма меҳнат қўллаётган хўжаликлар. Истисно қилинадиган ҳолатлар: хўжаликда меҳнатга яроқли эркакнинг йўқлиги ёки касаллиги, февралдан ноябргача бўлган мавсумда суғориладиган ерининг ярмидан кўпига пахта эккан ва боғдорчилик, узумчилик ва полизчилик хўжаликларида 150 кун, бошқаларда 120 кун фақат битта хизматкор ёллаш мумкин бўлган;

г) қишлоқ хўжалик мавсумида битта хизматкор ва битта чорикор ишлатиш билан бир вақтда, доимий суръатда савдо ишлари, судхўрлик билан шуғулланса ёки корхона очса;

д) ерга ишлов беришда ёлланма меҳнат ва чорикордан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигидан қатъи назар, ёлланма куч ишлайдиган корхонаси

бўлган ёки иккинчи ва олий разряд савдоси бўлган хўжаликлар;

е) диний хизмат вакилларининг хўжаликлари [10.2] кирган.

Ўзбекистон ССРдаги барча қулоқ хўжаликларини даромадларига қараб Наркомфин икки тоифага бўлган. Биринчисига умумий даромади 600 сўмгача бўлган хўжаликлар киритилган. Улар якка тартибдаги солиққа тортилмаган бўлса ҳам, пахта экишни кўпайтирган, партов ва чўл ерларни ўзлаштирган хўжаликлар учун бериладиган имтиёзлардан фойдаланмаган.

Иккинчиси, умумий даромади 600 сўмдан кўп бўлган хўжаликлар бўлиб, якка тартибда солиққа тортилган[10.2].

Яна бир манба - “Муштумзўр хўжаликлардаги батрак ва батрачкаларни қонун қандай ҳимоя қилади?” номли қўлланмада қишлоқдаги ишчи кучи ёлловчи деҳқон хўжаликлари учта: батракларни ёллайдиган камбағал ва ўрта ҳол деҳқон хўжаликлари, муштумзўр типидаги деҳқон хўжаликлари ва деҳқончилик билан биргаликда полизчилик, чорвачилик, балиқчилик ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов берувчи корхоналари бор (тегирмон, мойжувоз ва ҳ.к.) гуруҳларга бўлинади [4.19]. “Ўзбекистон Ижтимоий жумҳурияти амалдаги қонунлари мунтазам тўплами”нинг 240-моддасида “йирик муштумзўр” сўзи қўлланилиб, у помешчик типидаги хўжаликка тенглаштирилган [5.249]. Яъни деҳқон хўжалигининг ерга эгалик қилиши йирик муштумзўр хўжалиги сифатида белгилашнинг асосий шарти ҳисобланган.

1929 йилда, яъни ёппасига коллективлаштириш ва “қулоқларни синф сифатида тугатиш” сиёсати эълон қилиниши арафасида, Ўзбекистонда қулоқ хўжаликлари сони нечта бўлган? – деган савол туғилади. Мавжуд маълумотлар бунга тўлиқ жавоб бермайди. Ҳатто ЎзССР Халқ Комиссарлари Советида ҳам қулоқ хўжаликлари сони бўйича аниқ маълумот бўлмаган. Бунга далил сифатида Файзулла Хўжаевга йўлланган маълумотномада 1929 йил 19 октябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон бўйича турли комиссарлик ва муассасалар томонидан ҳисобда бўлган деҳқон хўжаликларининг сонидаги мавжуд жиддий тафовутларни кўрсатиш мумкин. Чунончи, ЎзССР Молия Халқ комиссарлигининг маълумотида қулоқ хўжаликлари 6869 та, тўқ хўжаликлар 50850 та, ўртаҳоллар 102205 та, камбағаллар 343664 та кўрсатилган. “Ўзпахтасоюз” маълумотида қулоқ хўжаликлари 8514 та, тўқ хўжаликлар 5318 та кўрсатилгани ҳолда ўртаҳол ва камбағал хўжаликлар ҳақида маълумот берилмаган. ЎзССР Давлат режа қўмитасининг маълумотида фақатгина қулоқ хўжаликларининг ўзи 12151 та, ЎзССР Савдо халқ комиссарлиги маълумотида қулоқ ва тўқ хўжаликлар 17181 та деб кўрсатилган [8.140-144].

Бу ўринда нисбатан ҳақиқатга яқин рақам сифатида ЎзССР Молия Халқ комиссарлиги маълумотига таяниш мумкин. Чунки молия органлари жойларда ўз органларига эга бўлиш билан бирга, йиллик солиқ ставкаларини белгилаш учун қишлоқ советларидан ҳар йили маълумот олиб турган. Унда республика бўйича деҳқон хўжаликларининг умумий сони 503588 тани [8.140] ташкил этганини эътиборга олсак, 1930 йил арафасида Ўзбекистон ССРда қулоқ хўжаликлари жами деҳқон хўжаликларининг бор-йўғи 2 фоизини ташкил этган.

СССР ХКСнинг директив қарорларида иттифоқдош республикалар ХКСлари қулоқ хўжаликлари доирасини белгилаган вақтда: “деҳқон хўжаликларини муштумзўр қаторига киритиш, иттифоқдош жумҳуриятнинг СССР Халқ Комиссарлари шўроси томонидан берилган умумий директиваси асосида чиқарган қонунлари тартибида бажарилади” [4.1], - деган ҳуқуқий меъёрга асосан қулоқ хўжаликларнинг аниқ белгилари иттифоқдош республикалар ХКСлари томонидан белгиланган. Шунга асосан, 1930 йил 6 апрелда Ўзбекистон ХКСнинг “Меҳнат қонунлари мажмуасини муштумзўр хўжаликларга татбиқ қилиш тўғрисида” ва “Меҳнат қонунлари мажмуасини уларга татбиқ қилиш тегишли бўлган муштумзўр хўжаликларнинг аломатлари ва шундай хўжаликларни ҳисобга олишнинг тартиби тўғрисида”ги қарорлари [8.76-78] кимни муштумзўр деб аташ борасидаги баҳсли ҳолатларга аниқлик киритди. Уларга асосан, “қишлоқ хўжалиги ишларида ёхуд кустар саноатларида ва корхоналарда пайдар-пай равишда ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи хўжаликлар” муштумзўр хўжаликлари ҳисобланган. Қарорда миқдор ва ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда хўжаликка мансубликни белгилаш меъёри ҳам киритилган. Ер майдонининг ярмидан кўпига пахта эккан ҳамда боғдорчилик, ток ва полиз қилганларга меҳнат мавсумида 150 кундан, бошқаларда 120 кундан ошмаган муддатда битта ишчи, чорвачилик хўжаликларида иккитадан ошмаган подачи ёллаганлар қулоқ хўжалигига киритилмаслиги кўрсатилган. Шунингдек, меҳнатга яроқли эркак кишиси бўлмаганлар, бева хотинлар, етимлар, ногиронлар, ўқитувчи ва сайланадиган лавозимда ишлаётганларнинг хўжаликларида битта ишчи меҳнатидан фойдаланиш мумкинлиги белгиланган. Бирлашган қишлоқ хўжалик солиғи солинадиган даромадларнинг миқдори 500 сўмдан ошадиган хўжаликларда эса Меҳнат кодекси қўлланган. Қарорга биноан, Округ ижроия қўмиталарига Молия Халқ комиссарлиги билан кели-

шилган ҳолда, маҳаллий шароитларга кўра қулоқ хўжаликларининг белгиларини ўзгартириш ҳуқуқи берилган. Айни шу ҳолат мамлакатда, хусусан, Ўзбекистонда қарорни аниқ ва бир хилда бажарилиши мажбурий бўлган меъёрнинг киритилмагани натижасида 1930 йилдан зўравонлик авж олган. Ёппасига коллективлаштириш ва "қулоқларни синф сифатида тугатиш" сиёсатини амалга ошириш жараёнида адолатсизликларга кенг йўл очиб берилган. 1932 йилда диндорлар ва руҳонийлар, собиқ миршаблар ҳам муштумзўрлар тоифасига киритилган.

Қулоқ хўжалигини белгилашда "киши кучидан фойдаланган", "одам ишлатган", "меҳнатсиз даромад топган" деган айблар асосий ўринга чиққан. Чунки Ўзбекистон шароитида пахтадан бошлаб барча боғдорчилик ва полиз экинлари кўп меҳнат талаб қилиш билан бирга қисқа муддатда йиғиб-териб олишни ҳам тақозр этган. Бу вақтда нафақат бой деҳқонлар, балки ўртаҳол ва камбағал деҳқон хўжаликлари ҳам мавсумий ёлланма ишчилар кўмагига муҳтож эдилар. Мазкур ҳолат большевикларнинг мажбурий коллективлаштиришга ошкора қарши бўлганларни айбдор қилишда қўл келди. Айрим нопок кимсаларнинг шахсий адовати орқали ўч олишларига имкон туғдирди.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг расмий нашри "Қизил Ўзбекистон" газетаси асосий ташвиқот минбари бўлиб, унинг саҳифаларида русча "кулак" сўзи ўзбек тили талаффуз қоидаларига мослашган шаклда "қулоқ"қа трансформацияси, бузилган шаклда истеъмолга киритилиши жараёни аниқланди. "Қулоқ" сўзидан расман фойдаланишнинг бошланиши 1933 йил сентябрдаги Ўзбекистон ССР зарбдор колхозчиларининг биринчи қурултойи билан боғлиқ. Қурултойнинг дастлаб рус тилида тайёрланиб, сўнг ўзбек тилига таржима қилинган ҳужжатлари, хусусан, "Мурожаат хати"да ва ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг 1933 йил сентябрдаги Пленуми материалларида [6] илк маротаба "муштумзўр" сўзининг ўрнига расмий тарзда "қулоқ" сўзи қўлланган.

Шу вақтдан бошлаб, аслида бир маънони англатишига қарамасдан, ҳужжатларда "қулоқ" ва "кулак" сўзлари параллел ишлатилган. Масалан, ЎзССР ҳукуматининг 5-Бутун Ўзбекистон советлари қурултойига ҳисобот маърузасининг архив матнида [9.30-31] "кулак" ва "қулоқ" сўзлари қўлланилганини кўриш мумкин. Тез орада ўзбек тилидаги даврий матбуотда ва ҳужжатларда асосан "қулоқ" сўзи қўлланила бошланди. Лекин "муштумзўр", "кулак" сўзлари ҳам истеъмолдан тўла чиқиб кетмади. 1935-39 йилларда ҳам турли совет идораларига юборилган фуқароларнинг ариза ва шикоятларида [9.98-99] "муштумзўр" ва "қулоқ" сўзларидан фойдаланиш давом этди.

Архив ҳужжатлари ва материаллари совет ҳокимиятининг коллективлаштириш тадбирларига қарши чиққанлар ҳамда мазкур сиёсат билан боғлиқ тадбирлар ривожига хавф туғдирувчи, таҳдид қилувчи қишлоқдаги мулкдорлар, миришкор, тадбиркор ва ишбилармон деҳқонлар сиёсий қатағон объектига айланганидан далолат беради. Совет меҳнат қонунчилигида ёлланма меҳнатдан фойдаланишга миқдор ва ҳолат кўрсаткичлари бўйича рухсат берилган бўлишига қарамай, большевикларнинг ёппасига коллективлаштириш сиёсатидан норози бўлган, колхоз тузумига ошкора қарши чиққан, ўз еридан, мол-мулкидан ажралишни истамаган деҳқонларга "киши кучидан фойдаланган" деган айб билан "муштумзўр", "қулоқ" тамғасини ёпиштиришга йўл очди.

Хуллас, XX асрнинг 20-30-йилларида совет ҳокимиятининг Ўзбекистон қишлоқларидаги ижтимоий онгни манипуляция қилишга хизмат қилган "муштумзўр", кейинчалик "қулоқ" идеологемалари нафақат қишлоқ аҳолисининг ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи ўзига тўқ, ишбилармон деҳқонлари ва руҳонийларига нисбатан, балки большевикларнинг мажбурий коллективлаштириш сиёсатидан норози камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларини ҳам қамраб олди, улар ҳам "қулоқнинг думи", "ёт унсур" деб аталди. Большевикларнинг маккорона мафкуравий сиёсати туфайли коллективлаштириш жараёнида асрлар давомида шаклланган ижтимоий муносабатларга путур етди.

Адабиётлар:

1. Бурдьё П. Социальное пространство и генезис «классов». // Сайт «Социологическое пространство Пьера Бурьё». [Электрон ресурс] Кириш тартиби: http://bourdieu.name/content/socialnoe-prostranstvo-i-genezis-klassov

2. Ozbekiston Ijtimaiy Shora Jumhuriyatining amaldagi qonunlarining jigindisi. II, III, IV qismlar.- Samarqand-Toshkent: O'znashr, 1930; Mushtumzor xojaliklaridagi batrak va batrachkalarni qonun qanday himoya qiladi? - T.: Mehnat-Orta Osiya sho'basi, 1930. – 62 в.

3. Ohunboboyev Y. Besh yillik tajriba va oltinchi yilga qadam.- Samarqand-Baku: O'znashr,1930; Leonof F. Mushtumzorlarni tugatis jolida. - Tashkent-Baku: O'znashr,1931; Mushtumzor xojaliklaridagi batrak va

batrachkalarni qonun qanday himoya qiladi? - T.: Mehnat-Orta Osiya sho‘basi, 1930.

4. Mushtumzor xojaliklaridagi batrak va batrachkalarni qonun qanday himoya qiladi? -T.: Mehnat-Orta Osiya sho‘basi, 1930. .

5. Ўзбекистон Ижтимоий жумҳурияти амалдаги қонунларининг мунтазам тўплами. Ўзбекистон Давлат нашриёти. - Тошкент-Самарқанд: Ўзнашр, 1930. - 249 б.

6. Қизил Ўзбекистон.- 1933.- 15 сентябрь; 1933.- 17 сентябрь.

7. ЎзР МДА. Р-86-фонд, 10-рўйхат, 1239-иш

8. ЎзР МДА, 837-фонд, 8-рўйхат, 311-иш

9. ЎзР ПДА. 58-фонд. 10-рўйхат, 181-иш, 30-31 варақлар.

10. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА). 189-фонд, 1-рўйхат, 332-иш

Андижон давлат университети,
2017 йил 28 августда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)